



СССР СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН.

9 июнь 1971 йил, чоршанба

№ 130 (15.000). Баҳоси 2 тийин.

ПАРТИЯНИНГ АСОСИЙ ЗВЕНОСИ

Яқинда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг II Пленуми бўлиб ўтди. Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов «КПСС XXIV съезди қарорлари асосида бошлангич партия ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш чоралари» тўғрисида доклад қилди. Мазкур масала пленумда қизгин муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

Улуғ партияимизнинг тарихий XXIV съезди белгилаб берган тўғричилик беш йиллик режаларини рўёбга чиқаришда бошлангич партия ташкилотларининг роли бешик каттадир. Коммунистик нуришлик соҳасидаги янги, улуғвор вазифаларни шараф билан бажариш партиянинг асосий вазифаси бўлган бошлангич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятига ва активизмига, коммунистларининг барча меҳнаткашларнинг йўлбошчиси бўлган партия кўйи бўғинларининг ташаббусига, ишбилармонлигига боғлиқдир.

Бошлангич партия ташкилотлари партиянинг кенг омма билан боғлиқ, партия сиёсатини бевосита ўтказди, партия Директиваларини бевосита бажаради. Шу босқанда ҳам Владимир Ильич Ленин бошлангич партия ташкилотларини партиянинг негизи, деб атаган эди. Партиянинг бутун ҳаёти, муваффақиятлари ва камчиликлари бошлангич партия ташкилотларининг фаолиятида худди кўзгудагидек аниқ эътибор туради.

КПСС XXIII съездининг тарихий қарорлари бошлангич партия ташкилотларининг ролини, активизмини ва жанговарлигини ошириш, уларнинг иш формаларини ва методларини такомиллаштириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Съезд Ленинча ташкилий принципларга таяниб ва бу принципларни янги шартонда ривожлантириб, аниқ, равшан йўл-йўриқларни кўрсатиб берди, бу йўл-йўриқлар бошлангич партия ташкилотларини мустахкамлаш, партия ички демократизини ривожлантириш, партия турмушининг ленинча нормаларига риоя қилишини, партия аъзоси деган номи ва унинг аҳамиятини оширишни таъминлади.

КПСС XXIV съезди партияимизнинг бошлангич партия ташкилотлари роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган ленинча йўлни изчиллик билан давом эттириб, муҳим қарорлар қабул қилди. Марказий Комитетнинг ҳисобот доқладасида «Бошлангич партия ташкилотларининг норхоналар ва муассасалар ишига таъсирини бундан бунён ҳам кучайтириш керак» — деб унгириб ўтилди. Эндиликда илмий-тадқиқот институтлари, ўқув юрталари, маданий-оҳирату ва даволаш муассасалари партия ташкилотларига ҳам маъмурий фаолиятини назорат этиш ҳуқуқи берилди. Марказий ва маҳаллий совет ҳамда хўжалик ташкилотлари ва муассасалари коммунистлари ҳам партия ва ҳукуматнинг Директиваларини бажариш юзасидан аппаратнинг фаолиятини назорат қилмоқ учун натижаларни ишониларга эга бўлдилар. Съезд нурган бу тадбирларнинг ҳаммаси бошлангич партия ташкилотларининг норхона ва муассаса ишига барқалиб таъсирини яна ҳам кучайтиради, албатта.

Пленумда партия ташкилотларининг асосий ич-гайрати моддий бойликлар ишлаб чиқаришга қаратилиши керак, деб таъкидлаб ўтилди. Дарвоқе, янги беш йилликда республикамиз меҳнаткашлари олдига эконоимча ва маданийти зўр бериб ривожлантириш вазифаси турбди. Жумладан, саноат маҳсулотини ҳажми 46-49 процент кўпайтирилиши, энергетика, машинасозлик, газ ва химия сингари индустрия тармоқлари жадал ривожлантирилиши лозим.

Социалистик ишлаб чиқариш суръатларини жадаллаштиришимиз, самардорлигини оширишимиз, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга муттасил жорий этишимиз, меҳнат унумдорлигини ошира боришимиз лозим. Барча партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг, ҳамма кадрларимизнинг билими, истеъдоди, куч-гайрати ана шу вазифаларни тўла-тўқис бажаришга қаратилмоғи дарор.

Пленум ўз қарорда саноат норхоналарининг бошлангич партия ташкилотлари, коммунистларининг, барча меҳнаткашларнинг куч-гайратларини ишлаб чиқариш самардорлигини, меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини янада оширишга, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтиришга, янги техника ва илгор технологияни жорий этишга, асбоб-ускуналардан, моддий-техника ресурслардан янада тўлиқ фойдаланишга, меҳнат сарфини, аввало кўл меҳнати ва оғир жисмоний меҳнати қисқартириш ҳисобига камайтиришга қаратишлари лозим, деб кўрсатиб ўтди.

Пленумда Тошкент набель заводи (директори Хўматулло Алимов, партия ташкилотининг секретари Халил Шагиёв) бошлангич партия ташкилотининг йоратил ишлари қониқ билан тилга олинди. Норхонада тайёрланаётган кабелнинг беҳадан бир қисми жаҳон стандартлари билан беллаша олади. Маҳсулотнинг қолган қисми мамлакатимиздаги энг яхши стандартлар талабига жавоб беради. Заводада жаҳонда биринчи бўлиб оқ мис катанкаси тайёрлаш ўзлаштирилди. Ҳозир бу норхонада ўн тўртта поток автоматик линия ишлаб турибди, шу босқанда ҳам меҳнат унумдорлиги муттасил ўсиб бормоқда. Коммунистларнинг ташаббуси билан норхонада техникавий ва социал тараққиёт комплекс планлари жорий эти-

лапти. Завод партия ташкилотининг эконоимча раҳбарлик бобидаги таърибасини ўрганиб, кенг ёниш аниқ мудоао бўлур эди. Пленумда уқдириб ўтилганиден, «Ўзбекинимаш» заводи, Олма-тай кон-металлургия комбинати, Фарғона нефтин қайта ишлаш заводи, Тошкентдаги 159 ва Фарғонадаги 8-қурилмиш трестлари ва бошқа кўпгина норхоналар бошлангич партия ташкилотларининг фаолиятида ҳам диққатга сазовор ва ибрат оلسа бўладиган таъриблар бор.

Доқладда ва пленумда сўзлаган ўртоқларининг нўткилариди кўрсатиб ўтилганиден, кишлоқ хўжалигини юксалтириш учун курашда колхоз ва совхоз бошлангич партия ташкилотлари ўсиб, мустахкамланди, уларнинг обрўйи ошди, кишлоқ турмушининг ҳамма жиҳатларига улар ўтказиб берган таъсир кучайди.

Эндиликда колхоз ва совхозларнинг бошлангич партия ташкилотлари сафида 147 мингдан кўпроқ коммунист бор. Ансарият бошлангич партия ташкилотлари деҳқончилик маданийтини оширишга, пахта ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлигини кўтаришга, комплекс механизацияни жорий этишга, қорва тўғичи кўпайтириб, маҳсулдорлигини оширишга қаратилган ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг ҳамма вазифаларини қўлаб чиқариш бўлиб турибдилар.

Хоразм областининг Богот райониди Нариманов номи колхоз бошлангич партия ташкилоти омманинг жанговар ташкилотчиси ва мураббийсидир. Кишлоқ коммунистлари эконоимча омилидорлик билан раҳбарлик қилмоқдалар, одамларнинг дилга йўл топиб, уларнинг турмуш ва тирикчиликни обдон ўйлаб иш юритмоқдалар. Хўжалик йилдан-йилга гурираб ўсмоқда. Ҳозир колхоз деҳқонлари пахта еттиштириш беш йиллик планини тўрт йилда бажариш учун курашмоқда.

Пленум колхоз ва совхозларнинг бошлангич партия ташкилотлари кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самардорлигини бутун чоралар билан оширишлари, комплекс механизацияни, пахтабеда алмашлаб чиқиши жорий этиш, ер, сув, моддий-техника ресурслардан рационал фойдаланишда қатъий принципал йўл тузишлари ҳамда шу асосда меҳнат унумдорлигини оширишга ва кишлоқ хўжалик маҳсулоти таннархини камайтиришга эришишлари зарур, деб йўл-йўриқ кўрсатди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ И. В. Капитонов пленумда сўзга чиқиб айтдики, «КПСС Марказий Комитети бошлангич ташкилотлар фаолиятини доимо яхшилаш, унинг самардорлигини ошириш тўғрисида зўр гамхўрлик қилмоқда. Кейинги йилларда Марказий Комитетда ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг турли участкаларида, завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда, илмий-тадқиқот институтлари ва министрликларда иш олиб бораётган бир қанча бошлангич ташкилотларнинг фаолияти қараб чиқилди. Шу масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар партия кадрларига, барча коммунистларга йўл-йўриқ бермоқда, ишда уларга яхши ёрдам кўрсатмоқда. Бошлангич ташкилотлар фаолиятини чуқур ўрганиш, уларнинг ҳисоботларини муҳокама қилиш, практикаси сизнинг республикамизда ҳам кенг оммалашди. Бу — яхши, фойдали практикадир».

Бошлангич партия ташкилотлари фаолиятида кейинги йилларда сезиларли икбий ўзгаришлар рўй берди. Партия ташкилотлари ўз сафларини мустахкамлади, уларнинг иши мазмунан бойиди, шуклан хилма-хил натижалари яна ҳам таъсирчан бўлиб қолди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси XXIII съездининг партия социал составида ишчилар етакчи мавқеда бўлишлари лозим, деган кўрсатмаларини амалга ошириш йўлини изчиллик ва қатъий билан ўтказиб келмоқда. XXIII съездан кейин КПСС сафида 107 минг 600 киши қабул қилинди, буларнинг 40 проценти ишчилардир. Партияга қабул қилинган колхозчиларнинг деярли учдан бир қисми механизаторлар, ўндан бир қисми эса чорвадорлардир.

Кўпгина коллективларда коммунистларнинг йиғилишларда ҳисоб бериши ўзини яхши оқлади. Партиявий тарбия, ўртоқларча контроль ва ёрдамнинг ана шу таъсирчан формасидан яна ҳам кенгроқ фойдаланиш ва уни такомиллаштириш лозим. Ҳар бир партия ташкилотда ўзаро талабчанлик ва масъулият руҳи қарор топмоғи керак. Партия ва давлат интизомини бузётганларга, ўз мансабини сунистеъмом қилётганларга муросасозлик билан қарашга йўл қўйиб бўлмайди.

Пленум қарорда таъкидлаб кўрсатилганиден, бошлангич партия ташкилотларида партия йиғилишларини планлаштириш, тайёрлаш ва ўтказиш, кадрларни ўқитиш пранктикаси такомиллаштирилмоқда, ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг янги формалари ва методлари, аниқ кидирилмоқда ҳамда бу ишнинг янги, самарали форма ва методлари юзага келмоқда. Пленумда республикамизда бошлангич ташкилотлар семертарларнинг состави йил сайин яхшиланиб бораётганилиги, улар орасида ташкилотчилик қобилияти ва тайёрлигини пухта бўлган ишчилар, колхозчилар ва мутахассислар кўпчилиги қониқ билан таъкидлаб ўтилди.

Бошлангич партия ташкилоти — меҳнат молктивининг ўзати, унинг етакчи кучидир. Бундан бунён ҳам партиянинг асосий бўғини бўлган бошлангич партия ташкилотлари коллективларини жипслаштираверадилар, уларнинг активлигини ошираверадилар, келажик кишини — коммунизм иншисини тарбиялаверадилар.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

УЧУВЧИ БОШҚАРАДИГАН «САЛЮТ» СТАНЦИЯСИНИНГ УЧИШИ

УЧИШИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 7 июнь (ТАСС). Учувчи бошқаришнинг биринчи орбитал илмий станцияси — «Салют» учинчи давом эттирмоқда. Москва вақти билан соат 17 га қадар станция Ер атрофини 800 марта айланб чиқди, шундан олти марта космонавтар Г. Т. Добровольский, В. Н. Волков ва В. И. Пацаев ўртоқлар станция ичига ўтиб олганларидан кейин амалга оширилди.



Орбитал «САЛЮТ» илмий станцияси бортидан Совет Иттифоқи халқларига табрик

Учувчи бошқаришнинг орбитал илмий станцияси бортидан туриб, коммунизмнинг шавқатли бинокори улуғ совет халқини қизғин табриқлаймиз. Халқимиз КПСС XXIV съезди қарорларини, янги беш йиллик план топширишларини бажаришда шонли меҳнат зафарларига эришувини таййимиз.

Космонавтар ДОБРОВольский, Волков, Пацаев.



Учувчи бошқаришнинг орбитал илмий станцияси бортидан туриб, коммунизмнинг шавқатли бинокори улуғ совет халқини қизғин табриқлаймиз. Халқимиз КПСС XXIV съезди қарорларини, янги беш йиллик план топширишларини бажаришда шонли меҳнат зафарларига эришувини таййимиз.



Савоат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилиш йиллик плани 24 декабрда бажарилди. Пландан ташқари 30 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, маҳсулот таннархи 2 миллион сўмлик камайтирилади.

МОНГОЛИЯ ХАЛҚ-РЕВОЛЮЦИОН ПАРТИЯСИНИНГ XVI СЪЕЗДИГА

Азия ўртоқлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Монголия Халқ-Революцион партияси XVI съездининг делегатлари, Монголия Халқ Республикасининг барча коммунистлари ва меҳнаткашларига қардошларча коммунистик салом қўйлади.

Совет кишилари Монголия Халқ-Революцион партиясининг XV съезидан кейин ўтган йиллар мобайнида республикамизда социалистик нурилишда олға қараб катта қадам қўйилганлигидан астойдил кувонадилар. Кишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси аниқ мустахкамланди. Монголиянинг ёш индустриеси янги-янги муваффақиятларга эришди, халқ турмушининг моддий ва маданий сависиси юксалмоқда. Физик, халқ маорифини, соғлигини сақлашни, адабиёт ва санъатни ривожлантиришда Монголия Халқ Республикасининг эришган катта муваффақиятларини кўриб, биз ҳам сиз билан бирга фахрланамиз.

Азия ўртоқлар, яна шунларнинг ҳаммасини биз эртлар, ишчилар синфи, экинлар қилган фиқдорона меҳнат натижаси, деб биланмиз. Улар МХРП раҳбарлиги остида Монголия Халқ Республикасида социализм куриш тарихий вазифасини муваффақият билан амалга оширмоқдалар. Совет коммунистлари, бутун совет халқи КПСС билан МХРП ўртасида Совет Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикасини ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлик тобора мустахкамланиб ва ривожланиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд қилдилар. Бизнинг мамлакатларимиз ўртасида жанит халқнинг барча энг муҳим соҳаларида — саноатда, эконоимда, идеологияда мустахкам алоқалар қарор топди ва ривожланмоқда. Бизнинг партияимиз, КПСС XXIV съезида яна таъкидлаб ўтилганиден, монгол халқи билан қардошларча дўстлик алоқаларини бундан бунён ҳам мустахкамлашга ва ҳар тарафлама ҳамкорлигини кенгайтиришга, сизнинг эконоимча доир катта проблемаларини ҳал қилиш, Монголия Халқ Республикасининг халқаро миқёсдаги обрўсини мустахкамлаш йўлида сарфлаётган куч-гайратингиз-

ни актив қўллаб-қувватлашга қатъий қарор қилган.

Бизнинг партияларимиз ва мамлакатларимиз ўртасида ҳозирги замоннинг барча энг муҳим масалалари хусусида тамовила бир фикрда турибдилар.

Сизларнинг дўстлигини сифатида биз шунини кувон билан қайд қиламизки, Монголия Халқ-Революцион партияси социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг, жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлиги ва жипслигини мустахкамлаш йўлида изчиллик билан олиб борган кураши туғайли жаҳондаги барча коммунистларнинг муносиб хурматига сазовор бўлди. Халқ Монголияси барча қардош мамлакатлар билан бирга халқаро ҳаётда актив қатнашмоқда, барча халқлар ўртасида тинчлик ва амалий ҳамкорлик мавқаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда, империализмга ва мустамлакачиликка қарши изчиллик билан курашмоқда.

Монголия Халқ-Революцион партиясининг XVI съезди ишларида сизларга, азия ўртоқлар катта муваффақиятлар таййимиз. Биз аминимизки, бешинчи беш йилликка доир директивалар, съездининг бошқа қарорлари иктимий ишлаб чиқаришнинг самардорлигини ошириш, меҳнаткашлар фаровонлигини кўтариш учун янги истиқболлар очиб беради, Монголия Халқ Республикасини ривожлантиришда муҳим босқич бўлади.

Биз шунга қатъий ишонамизки, монгол халқи Монголия Халқ Революцион партияси раҳбарлигида бизнинг мамлакатимиз билан, бошқа социалистик мамлакатлар билан қардошларча иттифоқ бўлиб, социализм нурилишида, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун курашда янги шонли ғалабаларга эришади.

Яшасин коммунистик ҳаракатининг жанговар отряди — Монголия Халқ-Революцион партияси!

Совет ва монгол халқларининг, совет ва монгол коммунистларининг мустахкам дўстлиги ва ҳамкорлиги кучайверсин ва равақ топаверсин! Яшасин марксизм-ленинизм!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

Траекторияни ўлаш маълумотларига қараганда, станция орбитасининг параметрлари қуйидагича: Ер юзасидан энг кўп ўзоқлашган нуқтаси [апогейида] 249 километр; Ер юзасига энг яқин нуқтаси [перигейида] — 212 километр; Ер атрофини айланб чиқиш даври — 88,2 минут, орбитанинг оғиши — 51,6 градус.

Телеметрик ўлчуларнинг маълумотларига ва станция командири ўртоқ Г. Т. Добровольскийнинг айтган гапларига қараганда, станцияда ўрнатилган системаларнинг ҳаммаси нормал ишлаб турибди, космонавтарнинг сиҳат-саломатлиги яхши. Станциянинг космонавтар яшайдиган бўлимларидаги босим симоб устунининг 900 миллиметрга тенг, температура цельсий билан плюс 17 градус.

Учувчи бошқаришнинг «Салют» илмий станцияси белгилаб қўйилган орбита бўйлаб ҳаракатини давом эттириб, 7 июнь соат 15:15 миунтада Совет Иттифоқи территориясидан туриб радио орқали алоқа қилинадиган зонадан чиқиб кетди. Орбитал станция билан қилинадиган радио алоқанинг шу кун учун планлаштирилган охириге сеанси соат 16:24 миунтада бошланди. Бу радио алоқа сеанси СССР Фанлар академиясининг Атлантика океани автотристанда турган «Академик Сергей Корольев» номи илмий тадқиқот кемаси ва «Молния-1» алоқа йўлдоши орқали ўтказилди. Шу сеанс тугаган вақтдан бошлаб то 8 июнь кечаси соат 1 га қадар космонавтар навбат билан дам оlishди.

УЧИШИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 8 июнь. (ТАСС). Космонавтар Георгий Добровольский, Владимир Волков ва Виктор Пацаевнинг жаҳонда биринчи учувчи бошқаришнинг «Салют» илмий орбитал станциясидаги иккинчи иш кунин 8 июнь кечаси соат бирда бошланди. Иш бошлангич вақтига келганда станция Совет Иттифоқи территориясидан туриб радио орқали алоқа

қилинадиган зонага кириб олди. Станция экипажи дам олиб, нонушта қилиб бўлгандан сўнг станция аппаратларини планлаштириб қўйилган траекторияни ўтказиш учун текшириш ва тайёрлашга киришди. Космонавтар борт системаларини турли режимида ишлашини сиҳат кўридилар. Космонавтар радио алоқа сеанслари вақтида станциянинг дам олинадиган ҳамда ишланадиган бўлимларининг қулайлиги ва кенглигини бир неча бор таъкидлаб ўтилди. Учунчи бошқариш марказида бўлган мутахассислар космонавтарнинг фаолиятини телевизион системалар ёрдамида кузатиб бордилар.

Экипаж Москва вақти билан соат 13 дан 10 миунут ўтганда Совет Иттифоқи халқларига табрик қўйлади.

Учинч программасига мўвофиқ 8 июнь соат 11 дан 02 миунут ўтганда «Салют» станциясининг орбитаси тўғрилаб қўйилди. Станция аниқ юқори орбитага ўтганидан сўнг унинг параметрлари қуйидагича бўлди:

— Ер юзасидан энг кўп ўзоқлашган нуқтаси [апогейида] — 265 километр. Ер юзасига энг яқин нуқтаси [перигейида] — 239 километр; — Ер атрофини айланб чиқиш даври — 89 миунут;

— орбитанинг оғиши — 51,6 градус.

8 июнь Москва вақти билан соат 13 га қадар ичига космонавтар бўлган «Салют» илмий станцияси Ер атрофини 21 марта айланб чиқди. Телеметрик ахборот маълумотларига ва космонавтарнинг гапларига қараганда борт системаларининг ҳолати ва «Салют» илмий станцияси бўлимларидаги амикроклимат параметрлари нормал ҳолатда.

Космонавтар Добровольский, Волков ва Пацаев ўртоқлар уларнинг яхши ҳис этмоқдалар ва режалаб қўйилган тадқиқотларини давом эттирмоқдалар.

МОНГОЛИЯ ХАЛҚ-РЕВОЛЮЦИОН ПАРТИЯСИНИНГ XVI СЪЕЗДИГА

Монголия Халқ-Революцион партияси XVI съездининг делегатларига ва бутун қардош монгол халқига учувчи бошқариш бораётган жаҳонда биринчи «Салют» орбитал илмий станциясидан отагани салом қўйлаймиз ва энг яхши истақларимизни изҳор қиламиз.

Яшасин Совет Итти-

фоқи Коммунистик партияси билан Монголия Халқ-Революцион партияси ўртасидаги, Совет Иттифоқи ва Монголия Халқ Республикаси халқлари ўртасидаги бузиламас дўстлик!

Яшасин тинчлик ва социялизм!

Космонавтар ДОБРОВольский, Волков, Пацаев.

БАРЧА РЕЗЕРВЛАРИНИ ИШГА СОЛАМИЗ

Бухоро области меҳнаткашларининг социалистик мажбуриятлари

Бухоро области меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди белгилаб берган коммунистик қурилиш программасини қизғин қўллаб-қувватлаб беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун умумҳалқ мудоабасига қўшилдилар. Тошкент области меҳнаткашларининг ташаббусига қўшилган бухороликлар зимлиларга қуйидаги ошаришларни социалистик мажбуриятларини олдилар:

Савоат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилиш йиллик плани 24 декабрда бажарилди. Пландан ташқари 30 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, маҳсулот таннархи 2 миллион сўмлик камайтирилади. Халқ хўжалигига пландан ташқари 130 миллион куб метр табиий газ, 6 миун тонна нефть ва конденсат, 11 миун тонна пахта толаси, 10 миун тонна минерал ўғитлар етказиб берилади. Юксак унумли 550 асбоб-ускуна жорий қилинади. Пилдавида меҳнати илмий тадқиқ қилин бўйича 60 та тадбир ишлаб чиқилиб, жорий этилади. Савоат ва

транспортда 15 миллион киловатт-соат электр энергияси, 2 миун тонна шартли ёқилги, 700 тонна қора ва рангли металл, 140 миун квадрат метр ип тағлама тежаб-қолинади. Пландан ташқари 64 миун донга устки ва ички трикотаж, 415 миун сўмлик қилим-кечак, 16 миун жуфт пойафзал, 730 тонна усимлик мойи, 200 тонна нон маҳсулоти ва бошқа халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилади. Халқ хўжалик юқларини ташви йиллик плани 25 декабрда бажарилди. Пландан ташқари автомобиль транспортида 250 миун тонна, темир йўл транспортида 160 миун тонна юк ташилади. Алоқа норхоналарида меҳнат унумдорлиги 5 процент оширилади.

Пудратчи қурилиш ва монтаж ташкилотлари қурилиш плавани 2 декабрда бажарилади. Навоий химия комбинатида нитрилар қислотаси ишлаб чиқариладиган қувват, Қизилтепа гишт заводининг иккинчи навбати, Бухородаги керамзит шағали ҳамда асфальт бетон завождари мудоабидан илгари ишга туширилади. Пландан ташқари 2 миун квадрат метр уй-жой, шунингдек қатор мактаб, қасалхона ва болалар муассасалари қурилади.

Област қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатта планда белгиланганда 110 миун тонна пахта, яъни 500 миун тонна пахта сотилади. Колхоз ва совхозларда 21,1 миун тонна гўшт (тирик вазнда), 34,1 миун тонна сўм, 60,7 миллион донга тухум, 4184 тонна жуун етиштирилади. Беш йиллик оқаришга бориб колхозларда ва давлат хўжаликларидаги қорамоллар сонин 103,7 миун бошга етказилди. Бу йил 350 миун тонна дағал хашак тайёрланиб, 250 миун тонна селот берилади, 2,5 миун гектар янги ва партов ерлар ўзлаштирилади.

Аҳолига садо ва маиший хизмат кўрсатиш аниқ яхшиланади, товар оброти ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш планлари муддатидан илгари бажарилади.

Машқлар районида

Илдар маълум қилингангидек, ном билан қўшнларнинг машқлари бошланди. Қуруқликдаги қўшнларнинг машқлари ва қисмлари машқ қўшнларининг машқлари билан машқ бошланадиган районларда «ЮТ» деган шартли

Шаҳрисабз районидаги Ленин номи колхоз 12-бригадасининг пахтакорлари 90 гектар майдонда 40 центнерлик «оқ олтин» хирмони учун меҳнат қилмоқдалар. Бригада далаларида мўл ҳосилга пухта замин яратилмоқда. Суратда: бригада тракторчиси П. Худойқовов гўзаларга ишлов бермоқда. Уртадаги суратда эса бригада далаларида гўзалар қўшнларининг машқлари билан машқ бошланадиган районларда «ЮТ» деган шартли

Шажрисабз районидаги Ленин номи колхоз 12-бригадасининг пахтакорлари 90 гектар майдонда 40 центнерлик «оқ олтин» хирмони учун меҳнат қилмоқдалар. Бригада далаларида мўл ҳосилга пухта замин яратилмоқда. Суратда: бригада тракторчиси П. Худойқовов гўзаларга ишлов бермоқда. Уртадаги суратда эса бригада далаларида гўзалар қўшнларининг машқлари билан машқ бошланадиган районларда «ЮТ» деган шартли

